

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат  
қўмитасининг 2021 йил I ярим йиллик учун мўлжалланган  
ИШ РЕЖАСИ**

Т/ р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимлар, қўмита таркибидаги корхона ва ташкилотлар, ҳудудий бошқармалар
<b>Iа. Устувор вазифалар</b>			
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони ва “Йўл харитаси”да белгиланган вазифа ва топшириқлар ижроси бўйича ишларни амалга ошириш.	2021 йил I ярим йил	Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон қарори билан тасдиқланган “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси”нинг биринчи босқичи, 2019-2021 йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифа ва тадбирлар ижроси бўйича ишларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш.	2021 йил I ярим йил	Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-4845-сон қарорида белгиланган топшириқ ва вазифаларнинг сифатли ва тўлиқ бажариш.	2021 йил I ярим йил	Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда уни амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан тадбирларни амалга ошириш.	2021 йил I ярим йил	Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2020 йил 5 март куни “Ўзбекистон Республикасида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш	2021 йил I ярим йил	Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология

	масалалари тўғрисида” ўтказилган йиғилишнинг 19-сон ҳамда 10 августда “Республика ҳудудларида маиший ва қурилиш чиқиндиларини йиғиш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги долзарб вазифалар тўғрисида” ўтказилган йиғилишнинг 63-сон баёнлари ижросини таъминлаш.		қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи яқунлари бўйича тасдиқланган баёнларда белгиланган топшириқларини сўзсиз бажариш.	2021 йил I ярим йил	Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
7.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, атроф муҳит давлат мониторингини амалга ошириш ва давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бу борадаги фаолиятларини мувофиқлаштириш, атроф табиий муҳитни ифлослантириш натижасида салбий таъсир юзага келиши ва меъеридан ортиқ ифлослантиришнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш.	2021 йил I ярим йил	Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
8.	Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш.	2021 йил I ярим йил	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
9.	Атмосфера ҳавоси, сув, ер ресурслари ҳамда ер ости бойликларидан, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш, шунингдек, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат экологик назоратини олиб бориш.	2021 йил I ярим йил	Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
10.	Давлат дастурлари, концепциялари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларининг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш лойиҳалари, атроф табиий муҳит ҳолати ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш, замонавий, чиқитсиз ва камчиқитли технологияларни тадбиқ қилиш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.	2021 йил I ярим йил	Давлат экологик экспертиза маркази ДУК.

11.	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш.	2021 йил I ярим йил	Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти
12.	Экологик хавфсизликни таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига атрофлича ва тезкор етказиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, улғайиб келаётган ёш авлод қалбида атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш хиссини ошириш.	2021 йил I ярим йил	Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими. Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
13.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш йўналишида янги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	2021 йил I ярим йил	Юридик бўлим, Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
14.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон Фармони ҳамда 2020 йил 24 августда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини рақамлаштириш бўйича “Рақамли экология” тизимини жорий этиш бўйича тасдиқланган “Йўл харита”га асосан соҳани рақамлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш.	2021 йил I ярим йил	Давлат хизматларини ривожлантириш бўлими, “Экологик ахборот, ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедиа маркази” ДУК
<b>Ўб. Устувор вазифаларни бажариш учун амалга ошириладиган ишлар</b>			
<b>I. Норматив-ҳуқуқий фаолиятни такомиллаштириш соҳасида</b>			
15.	Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг илғор тажрибаси, шунингдек, ЭСПО (Финляндия) конвенцияси ва конвенциянинг Стратегик экологик баҳолаш баённомаси талаблари асосида республика ҳудудида режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда объектни рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлашнинг скрининг ва скоупинг тизимини тадбиқ этишни назарда тутувчи ҳуқуқий асосни яратиш.	2021 йил июнь	“Давлат экологик экспертиза маркази” ДУК (Искандаров), Юридик бўлим
16.	Аҳоли томонидан Давлат экология қўмитасининг Интернет тармоғидаги махсус ахборот тизимига юборилган экология, атроф-	2021 йил май	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция

	муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар асосида маъмурий ишларни расмийлаштиришнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартишлар киритиш юзасидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		(Тагаев), Чикиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев), Юридик бўлим
17.	<p>Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида куйидаги қарорлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга йўналтирилган лойиҳалар тайёрлаш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф тайёрлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Вазирлар Маҳкамасининг “Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 октябрдаги 820-сонли қарори;</li> <li>- Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида” 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли қарори;</li> <li>- Вазирлар Маҳкамасининг “Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 15 июндаги 375-сонли қарори.</li> </ul>	2021 йил февраль - май	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чикиндилар билан боғлиқ ишларини амалга ошириш жамғармаси маблағларини бошқариш бўлими (Эргаш)
18.	“Жанубий Устюрт” миллий табиат боғи Низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун тайёрлаш.	2021 йил январь	Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков)
19.	Вазирлар Маҳкамасининг “Оқтоғ” давлат кўриқхонасини ташкил қилиш тўғрисида қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2021 йил март - май	Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков), Навой вилоят экология бошқармаси (Раззақов)
20.	Вазирлар Маҳкамасининг “Марказий Қизилқум” миллий табиат боғини ташкил қилиш тўғрисида қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2021 йил март - июнь	Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков), Навой вилоят экология бошқармаси (Раззақов)
21.	Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат	2021 йил февраль - май	Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков)

	кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 104-сон қарорига ўзгартириш киритиш бўйича соҳага оид қонуности ҳужжатларини ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш.		
22.	“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.	2021 йил январь - февраль	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
23.	Фойдаланиш хусусиятини йўқотгандан сўнг атроф-муҳитга зарар етказувчи, ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган товарлар гуруҳи ҳамда қадоклаш буюмларига экологик йиғимни қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлашни кўзда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.	2021 йил май	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
24.	Истеъмол қадоклаш буюмлари (таралар)нинг депозит тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.	2021 йил февраль	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
25.	Тошкент шаҳрида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларини жойлаштириш учун Тошкент вилоятининг камида учта ҳудудидан қурилиш чиқинди полигонларини қуришга ҳар бири 5 гектардан кам бўлмаган ер майдонини белгиланган тартибда ажратиш, қуриш ва жиҳозлаш; - вилоятлар марказлари, йирик шаҳарлар ва Нукус шаҳри учун қурилиш чиқинди полигонларини қуришга <b>5 гектардан</b> кам бўлмаган ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш, қуриш ва жиҳозлаш масалаларини ўз ичига олган қурилиш чиқинди полигонларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуриш ва жиҳозлаш бўйича 2022–2023 йилларга мўлжалланган манзилли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.	2021 йил май	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
26.	Вазирлар Маҳкамасининг “Экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2021 йил февраль - май	“Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази” ДУК (Айтмуратов), Атроф-муҳит ифлосланишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси (Собиров), Юридик бўлим.
27.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон	2021 йил февраль-март	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), Юридик бўлим

	қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		
28.	“Ерларни рекультивациялаш, тупрокнинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом” лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими “project.gov.uz”га жойлаштириш ва олинган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил июнь	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), “Экологик ахборот, ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедиа маркази” ДУК (Абдуллаев), Юридик бўлим
29.	Атроф табиий муҳитга таъсири бўйича юқори тоифага мансуб хўжалик юритувчи субъектларининг атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларидан намуналарни олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда стационар кузатиш пунктларини мажбурий тартибда ўрнатилишини инobatга олиб “Атмосфера ҳавосига устувор турғун (ташқиллаштирилган) ифлослантирувчи манбаларида автоматлаштирилган мониторинг тизимини ташкил қилиш техник талаблари ва тартиби”ни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2021 йил март – июнь	Атроф-муҳит ифлосланишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси (Собиров), Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази (Файзиев)
30.	“Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишга ва Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий Регламент” лойиҳасини ишлаб чиқиш	2021 йил май	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (У.Абдужалилов), Давлат божхона қўмитаси ва бошқа алоқадор вазирлик ва идоралар билан (келишган ҳолда) ҳамкорликда
31.	О‘з РН 84.3.11:2004. - Симоб, унинг бирикмалари, таркибида симоб бўлган чиқиндилар ва симоб тўлдирилган асбоблар билан ишлашда қўйиладиган талаблар. Норматив-ҳуқуқий ва раҳбарий ҳужжатни янги таҳрирда қайта ишлаб чиқиш.	2021 йил июнь	Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти (Буриев), Тегишли бошқарма ва бўлимлар билан биргаликда
32.	О‘з РН 84.3.19:2005. - Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш. Атамалар ва таърифлар. Норматив-ҳуқуқий ва раҳбарий ҳужжатни янги таҳрирда қайта ишлаб чиқиш.	2021 йил июнь	Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти (Буриев), Тегишли бошқарма ва бўлимлар билан биргаликда
33.	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тоифа ва тури бўйича наъмунавий тузилмалари, наъмунавий штат жадвали ва уларда фаолият олиб бораётган ходимларнинг намунавий мансаб	2021 йил июнь	Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков)

	йўриқномалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш.		
<b>II. Юридик фаолиятни ривожлантириш бўйича</b>			
34.	2021 йил давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш режа-жадвалини тузиш ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритиш.	2021 йил январь	Юридик бўлим, Марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар
35.	Қўмита томонидан тасдиқланган ички-меъёрий ҳамда меҳнатга доир локал ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, уларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш (ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, зарур ҳолларда бекор қилиш)	2021 йил февраль	Юридик бўлим, Марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар
36.	Экология ва атроф муҳитни муҳорфаза қилиш соҳасида коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда салбий ҳолатларининг олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	2021 йил I ярим йилликда	Юридик бўлим
37.	Қўмита тизимида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганиш, уларнинг миқдорини камайтириш бўйича тегишли чораларини кўриш.	2021 йил февраль - май	Юридик бўлим, Марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар
38.	Давлат экология қўмитасининг ваколатига доир масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашрга тайёрлаш юзасидан туркумлаш ҳамда тегишли таклиф тайёрлаш.	2021 йил май	Юридик бўлим, Марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, таркибдаги корхона ва ташкилотлар
<b>III. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида</b>			
<b>3.1 Санитар тозалов соҳасида ишларни ташкил қилиш масалалари</b>			
39.	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 ноябрдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 748-сон қарорига мувофиқ <b>300 та</b> чиқинди ташиш махсус техникаси, <b>13 та</b> экскаватор, <b>13 та</b> эгарли шатакчи, <b>13 та</b> мобил сервис автотранспорт воситалари, <b>8 та</b> мобил лаборатория транспорт воситалари, <b>6 000 та</b> чиқинди контейнерлари харид қилиш ва <b>13 та</b> сервис марказлари қуриш ишларини амалга ошириш.	2021 йил март - июнь	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
40.	Корея Республикасининг “Sejin G&E Co., Ltd.” компанияси иштирокида “Тошкент вилоятининг “Оҳангарон” ва “Майдонтол” маиший чиқиндилар полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газидан электр энергиясини ишлаб чиқариш” лойиҳаси доирасида	2021 йил ҳар ҳафта	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)

	миқдори <b>14,4 млн. АҚШ доллар</b> бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштирилишини мониторинг қилиш.		
41.	Кўмита ҳамда Кореянинг атроф-муҳит саноат ва технологиялар институти (КЕИТИ) иштирокида “Фарғона, Андижон, Бухоро, Навоий ва Нукус шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини яхшилаш бўйича Бош режани ишлаб чиқиш” лойиҳасини амалга ошириш ва <b>710 минг АҚШ долл.</b> миқдоридagi грант маблағларини жалб этиш.	2021 йил март - июнь	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси экология кўмитаси (Джуманиязов), Фарғона (Кенжаев), Бухоро (Муртазоев), Навоий (Раззақов), Андижон (Максумов) вилоятлар бошқармалари
42.	Европа тараққиёт ва тикланиш банки (ЕТТБ) иштирокида “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида эски полигонларни рекультивация қилиш ва янги полигонларни яратиш” лойиҳаси доирасида Техник-иқтисодий асос ишлаб чиқиш ишларини яқунлаш ва мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишиш. Ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилишини жадаллаштириш борасида халқаро экспертларни зарурий маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш.	2021 йил март-июнь	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси экология кўмитаси (Джуманиязов) ва Хоразм вилояти экология бошқармаси (Қличев)
43.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 майдаги ПҚ–3730-сон қарори билан тасдиқланган дастурга асосан 2021 йилда чиқинди ташиш ва полигонларни рекультивация қилишга мўлжалланган махсус техникалар харид қилиш.	2021 йил март-июнь	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев), Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси (Ботиркулов)
<b>3.2. Чиқиндиларни утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиб ташлаш ва реализация қилиш, инновацион технологияларни тадбиқ қилиш масалалари</b>			
44.	Ҳудудларда фойдаланишда бўлган ва фаолияти яқунланган маиший чиқинди полигонлари бўйича қайта хатлов ўтказиш ва маълумотлар базасини янгилаш; Республикада саноат чиқинди полигонларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва маълумотлар базасини янгилаш; Чиқиндиларни кўмиш полигонлари бўйича давлат кадастр маълумотлари базасини янгилаш.	2021 йил февраль, март	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
45.	Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида саноат ва захарли чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, зарарсизлантирилиши, қайта ишланиши, утилизацияси ва кўмилиши борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, соҳада мавжуд камчиликларни	2021 йил май	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев), Тошкент (Холмуродов), Фарғона (Кенжаев) вилоят экология бошқармалари



	таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш.		
46.	Худудларда чиқинди полигонларининг аҳволи ва улар атрофини тартибга келтириш бўйича назорат олиб бориш, амалага оширилган ишлар юзасидан маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш.	2021 йил март - июнь	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
<b>3.3. Санитар тозалов бўйича тарифлар ва иқтисодий таҳлил масалалари</b>			
47.	Санитар тозалаш хизматлари абонентлари тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ шакллантириш ва уларнинг электрон базасини яратиш; Абонентлар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ишларининг электрон тизимида акс этишини таҳлил қилиб бориш.	2021 йил март, июнь	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
48.	"Тоза ҳудуд" ДУКларнинг кунлик пул маблағлари тушумларини таҳлил қилиш, дебитор қарздорликларни қискартириш бўйича амалга ошириладиган ишларни таҳлил қилиш.	2021 йил февраль, май	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
49.	"Тоза ҳудуд" ДУКларнинг жисмоний ва юридик шахслар учун тарифларни ишлаб чиқишда қўмаклашиш, молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган тезкор чоралар кўриш.	2021 йил ҳар ойда	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
50.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарорига асосан маиший ва қурилиш чиқиндиларини бошқариш соҳасида Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширилиши бўйича ишларни ташкиллаштириш.	2021 йил март, июнь	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев)
<b>IV. Экология, атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини бошқариш соҳасида</b>			
51.	Компенсация тўловларини ҳисоб-китоб қилиш ва уларнинг келиб тушинини назорат қилиш бўлимларининг 2020 йилдаги иш фаолиятини таҳлил қилиш ва натижаси бўйича қўмита раҳбариятига ахборот киритиш; 2021 йил истиқбол кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва ҳудудий бошқармаларга етказиш.	2021 йил январь-февраль	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларини амалга ошириш жамғармаси маблағларини бошқариш бўлими (Эргаш)
52.	Атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчи хўжалик юритувчи субъектларни қамраб олиш учун биллинг тизимини жорий этиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш.	2021 йил март-июнь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларини амалга ошириш жамғармаси маблағларини бошқариш бўлими (Эргаш)
<b>V. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида назорат инспекцияси</b>			

53.	Ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ташкил этиш ва ўтказиш.	2021 йил I ярим йилликда	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев), Худудий бошқарма ва инспекциялар билан ҳамкорликда
54.	“Ўзбекистон Овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси” ва унинг худудий бўлинмалари, “Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлаш ва кўпайтириш” питомниклари ҳамда “Ҳайвонот боғлари”да давлат экологик назорат тартибида текширишлар ўтказиш.	2021 йил I ярим йилликда	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев), Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков), Қорақалпоғистон Республикаси экология ва қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари
55.	Давлат экология қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, ДХХ Чегара қўшинлари ва Миллий гвардия органлари томонидан тасдиқланган Қўшма чоратadbирга мувофиқ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимига риоя этилиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат экологик назоратини амалга ошириш бўйича ишларни амалга ошириш.	2021 йил I ярим йиллик давонида	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
56.	Ўрмон хўжалиги, ўрмон-ов, ов хўжаликлари фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ва “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари талабларига риоя этилиши юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда давлат экологик назоратини амалга ошириш ва натижалари юзасидан тақлиф тайёрлаш.	2021 йил март-июнь	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
57.	Хўжалик юритувчи субъектларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунлар ижросини таъминланиши юзасидан “Хавфни таҳлил қилиш низоми”га асосан таҳлил ўтказиш натижалари бўйича, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш қонунларини бузилиш ҳолатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ, заруратга қараб ваколатли орган билан келишув асосида текширишларни ташкил этиш.	2021 йил I ярим йиллик давонида	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.

58.	Худудий инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳага оид ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш, уларни олдини олиш бўйича фаолият самарадорлигини, давлат инспекторларининг маъмурий амалиётни қўллаш фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тегишли таклифларни тайёрлаш.	2021 йил I ярим йиллик давомида	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев)
59.	Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 24 июндаги 407-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида: 1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритуви лойиҳасини тест синов тариқасида ишга тушириш; 2. Ягона маъмурий электрон иш юритуви лойиҳасини амалиётга жорий этиш; 3. Ягона маъмурий электрон иш юритуви тизими натижаларини инobatга олган ҳолда мавжуд камчиликларни бартараф этиш; Ягона маъмурий электрон иш юритуви лойиҳасини босқичма-босқич республиканинг бошқа худудларига қўллаш.	2021 йил январь февраль-март II чоракда	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси (Тагаев), “Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни жорий этиш ва мультимедиа маркази” ДУК (Абдуллаев)
60.	Вазирлар Маҳкамасининг “Айдар-Арнасой қўллар тизимининг биологик ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 22 апрель 347-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах ва Навоий вилоятларида Айдар-Арнасой қўллар тизимида назорат тадбирларини ўтказиш. (Ҳар ойда бир марта жойига чиққан ҳолда).	2021 йил ҳар ойда	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев), Жиззах (Иргашев) ва Навоий (Раззаков) вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари
61.	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция фаолиятини кучайтириш мақсадида замонавий технологияларни (учувчисиз учиш, планшет ва бодикамераларни) жорий этиш.	2021 йил май	“Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедиа маркази” ДУК (Абдуллаев), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев), Молия бошқармаси (Адизов)
<b>VI. Атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш соҳаси.</b>			
62.	Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон қарори ижросини	2021 йил март-июнь	Атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Собиров), Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

	таъминлашини мувофиқлаштириш.		соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев)
63.	Текширувларни электрон рўйхатга олиш Ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида, атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларида давлат экологик мониторинги ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг 2021 йил учун янгиланган рўйхатини шакллантириш ва Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Вақил билан келишиш.	2021 йил январь-февраль	Атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Собиров)
64.	“2021-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги” Дастури ижросини мувофиқлаштириш.	2021 йил март-июнь	Атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Собиров), Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев).
65.	Қўмита тизимидаги таҳлилий лабораторияларнинг фаолиятини такомиллаштириш (моддий - техника базасини) бўйича ишларини ташкиллаштириш.	2021 йил февраль-июнь	Атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Собиров), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси (Эргаш)
66.	Атроф табиий муҳитга таъсир қилиш хавфи юқори бўлган янги ишга тушириладиган хўжалик субъектларининг атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларида чиқадиган ташланмаларни таҳлил қилувчи автоматик тизимлар билан жиҳозлашда (методик) кўмаклашиш.	2021 йил март-июнь	Атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Собиров), Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев), Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (Абдужалилов), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев)
67.	Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги” Қонунининг (8, 19-моддалар) ижросини таъминлаш доирасида: - пестицидлар ва минерал ўғитларнинг хусусиятларини экологик баҳолаш;	2021 йил март - июнь	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев)

	- 2021 йил давлат синови режасига киритилган пестицидлар ва минерал ўғитларнинг экологик-токсикологик хусусиятларини ўрганиш ва хулоса тайёрлаш.		
68.	Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сонли қарори ижроси доирасида “Атроф муҳитни ифлослантириш манбалари мониторингининг ягона электрон ахборот-картографик маълумотлар базасини яратиш ва келгусида идоралараро интеграция қилиш учун маълумотлар базасининг тузилмасини ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш” лойиҳани якунлаш ҳамда базанинг дастлабки вариантини тест синовларидан ўтказиш ишларини ташкиллаштириш.	2021 йил I чорак	“Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедиа маркази” ДУК (Абдуллаев), Атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Собиров), Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев), Қорақалпоғистон Республикаси экология кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
69.	Жаҳон банки грант лойиҳаси “Орол денгизи ҳавзаси учун иқлим ўзгаришини мослаштириш ва камайтириш Дастурлари” (СAMP4ASB) доирасида олинган <b>2 дон</b> а кўчма лабораторияни Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги “Аккредитация маркази” ДУК томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш.	2021 йил март-июнь	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев), Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Дехқонов)
70.	Худудий бўлинмаларнинг Атроф муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлимлари томонидан ифлослантирувчи манбаларда экологик мониторинг ўтказиш юзасидан ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, олинган намуналарнинг физик-кимёвий таҳлилларини олиб боришнинг <b>7 та</b> илғор ўлчашларни бажариш услубиятларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.	2021 йил январь-апрель	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев), Қорақалпоғистон Республикаси экология кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
71.	Тупрок, оқава ҳамда ер усти сувларини ифлослантириш, шунингдек атмосфера ҳавосига чиқинди ташлаш манбаларидан олинган намуналарнинг физик-кимёвий таҳлилларини олиб бориш учун ишлаб чиқилган илғор ўлчашларни бажариш усулиятларини “Ўзстандарт” агентлигида тасдиқлаш ва амалиётга тадбиқ этиш.	2021 йил май-июнь	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев), Қорақалпоғистон Республикаси экология кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
72.	Халқаро савдода алоҳида хавфли кимёвий моддалар ва пестицидларга нисбатан асослантирилган дастлабки келишув тартиб-таомили тўғрисидаги Роттердам конвенциясига ( <i>Роттердам шахри, Нидерландия, 1998 йил</i> ) қўшилишнинг мақсадга	2021 йил апрель - июнь	Атроф-муҳит ифлосланишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси (Собиров), Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази

	мувофиқлигини Идоралараро экспертлар гуруҳи тузган ҳолда ўрганиб чиқиш.		(Файзиев), Ҳалқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими (Талипов)
73.	Атроф-муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлимлари учун 2021 йил учун кимёвий реактивлар, синов газлари, прекурсорлар ва бошқа сарфлаш материалларга бўлган талабни ўрганиб чиқиш ва харид қилиш юзасидан Молия бошқармасига таклиф киритиш.	2021 йил январь-февраль	Атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Собиров), Молия бошқармаси (Адизов)
74.	Таъмирлаш ва реконструкция ишлари яқунланган ҳудудий бўлинмаларнинг Атроф-муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлимлари (лаборатория) фаолиятларини O'z DSt ISO/IEC 17025:2019 Давлат стандарти талабларига мувофиқ аккредитациядан ўтказиш ишлари назорат қилиш.	2021 йил март-июнь	Атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Собиров), Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев)
<b>VII. Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш соҳасида</b>			
75.	Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 24 октябрда 05/1-1821-сон билан тасдиқланган “Атроф-муҳитга юқори ва ўта хавфли таъсир этувчи саноат корхоналарида замонавий оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва мавжудларини модернизация қилиш дастур”и тадбирларини тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда корхоналар томонидан ўз муддатларда бажарилишини назорат қилиш.	2021 йил (тасдиқланган режа асосида)	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
76.	Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарори ижроси бўйича назоратни амалга ошириш.	2021 йил март-апрель	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
77.	Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 8, 9-бандларига мувофиқ, сув муҳофазаси зоналарини белгиланмаган очик сув ҳавзаларига сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш ишларини ташкил қилиш.	2021 йил март-июнь	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), Молия бошқармаси (Адизов)
78.	“Ўзбек-Қозоқ” ишчи гуруҳининг учинчи йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Атроф-муҳит муҳофазаси ва Сирдарё дарёси	2021 йил (тасдиқланган режа асосида)	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов),

	ҳавзасида сувлар сифати” масалалари бўйича Ишчи гуруҳининг 2021 йилдаги иш режасига мувофиқ вазифаларни ташкил этиш.		Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими (Талипов), Сирдарё вилояти экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Эргашев).
79.	Таркибида ип, калава ва матоларни бўяш цехлари мавжуд тўқимачилик корхоналарида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларнинг бажарилиши юзасидан ўрганиш ишларини амалга ошириш, таҳлил қилиш ва натижалари юзасидан таклифлар тайёрлаш.	2021 йил февраль	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев)
80.	Оқова сув тозалаш иншоотларининг иш самарадорлиги бўйича ўтказилган мониторинг натижаларини таҳлил қилиш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш.	2021 йил ҳар чорақда	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази (Файзиев)
81.	Оҳактош, гипс ва мрамор каби кенг тарқалган фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ҳамда уларни қазиб олишда атроф муҳит муҳофазаси талабларига риоя этилишини ўрганиш, таҳлил қилиш ва натижалари бўйича таклиф тайёрлаш.	2021 йил май	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев)
82.	Замонавий локал оқова сув тозалаш ускуналари (иншоотлари) маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, хорижий етказиб берувчи корхоналар иштирокида кўргазма ташкил этиш.	2021 йил март	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими (Талипов), Ишлар бошқармаси (Қосимов)
83.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон қарори ижросини таъминлаш, дарё ва сойларда ноқонуний қум шағал қазиб олиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида сув объектлари, сувни муҳофаза қилиш зоналарини дронлар ёрдамида кузатиш, ресурсларни ноқонуний қазиб олиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.	2021 йил апрель	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Машрабов), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция (Тагаев), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
<b>VIII. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида</b>			
84.	Худудий экология бошқармалари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўлимларининг 2020 йилда амалга оширган фаолиятлари	2021 йил январь	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (Абдужалилов), Қорақалпоғистон Республикаси

	яқунилари бўйича ҳисоботларни қабул қилиш, уларнинг 2021 йилда амалга оширадиган иш режаларини келишиш.		экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари.
85.	Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида” 2002 йил 21 февралдаги 62-сон қарори ижросини таъминлаш.	2021 йил январь - июнь	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (Абдужалилов)
86.	2020 йил давомида келиб тушган юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаат ва шикоят аризаларини ўрганиб чиқиш, таҳлилий ҳисобот тайёрлаш ва раҳбариятга киритиш. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан келиб тушган мурожаат ва шикоят аризаларни ҳудудий экология бошқармалари ҳамкорлигида корхона ва ташкилотларни ён-атрофида ўрганишларни олиб бориш ва мавжуд муаммоларни ечими бўйича тегишли чоралар белгилаш.	2021 йил февраль  январь-июнь	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (Абдужалилов), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари
87.	Ўзбекистон Республикасининг Монреаль протоколи Кигали тузатишларига ( <i>Кигали шахри, Руанда, 2016 йил 15 октябрь</i> ) қўшилиши юзасидан тақлиф тайёрлаш.	2021 йил март	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (Абдужалилов)
88.	Автотранспортда экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида, республиканинг барча ҳудудларида “Тоза-ҳаво” тадбирини ўтказишни ташкиллаштириш, кенг камровли ахборот кампаниясини ўтказиш, автомобиллардан чиқаётган газларни токсиклик ва тутун миқдорини, уларнинг техник кўрик вақтида ва автотранспорт паркларига кириш/чиқишда текширишни ташкиллаштириш.	2021 йил 10 апрелдан 10 майгача (1-босқич)	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (Абдужалилов), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари, ЙХХББ ходимларини жалб этган ҳолда
89.	Давлат статистика маълумотига асосан, 2020 йил яқунлари билан саноат корхоналари ва транспортдан атмосфера ҳавосига ташланган ифлослантирувчи моддалар миқдори бўйича таҳлилий ҳисобот тайёрлаш.	2021 йил март-май	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (Абдужалилов), Давлат статистика қўмитаси ва алоқадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда
90.	Вазирлар Маҳкамасининг “Нефть-газ тармоғида лицензиялаш тартиботларини қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнесни юритишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июндаги 444-сон қарорига мувофиқ, нефть, газ ҳамда газ конденсатини казиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш фаолиятларининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосалар	2021 йил июнь	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (Абдужалилов), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармалари,



	расмийлаштирилиши ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва натижалари бўйича таклиф тайёрлаш		
91.	Вазирлар Маҳкамасининг “Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 9 январдаги 17-сон қарори ижроси юзасидан республикага импорт қилинган озонни бузувчи моддалар миқдори тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш.	2021 йил март-июнь	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (У.Абдужалилов), Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда
<b>IX. Биохилма-хилликни муҳофаза қилиш ва фойдаланишни ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни назорат қилиш соҳасида</b>			
92.	Қўмита тасаруффидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш, экотуризмни ривожлантириш бўйича инфратузилмасини ташкил этиш.	2021 йил февраль-май	Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков)
93.	Сунъий шароитда ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш бўйича давлат рўйхатидан ўтган питомникларни хатловдан ўтказиш натижалари бўйича қўмита раҳбариятига ахборот киритиш.	2021 йил март-май	Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков), Қорақалпоғистон Республикаси экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология бошқармаси
